



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Стоматология соҳасидаги юқори малакали тиббиёт кадрларини халқаро талаблар ва стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган ўқув ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, илғор ахборот-коммуникация ва таълим технологияларини жорий этиш, бўлғуси стоматолог мутахассисларнинг назарий тайёргарлигини улар ўрганаётган амалий кўникмалар билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб борилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети негизда Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш;

Андижон, Бухоро ва Самарқанд тиббиёт институтларининг стоматология факультетлари, Тошкент педиатрия институтини Нукус филиалининг стоматология факультети негизда Тошкент давлат стоматология институтининг республика миқёсдаги филиалларини ташкил этиш;

Тошкент давлат стоматология институтини ҳузурида Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Тошкент давлат стоматология институтини фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин;

замонавий талабларга мос келадиган ва ҳозирги замон стоматологиясининг илғор технологияларини эгаллаган стоматология соҳасининг юқори малакали тиббиёт кадрлари ва илмий мутахассисларини тайёрлаш;

стоматология, юз-жағ жарроҳлиги соҳаси ва бошқа йўналишларда, жумладан, биотехнологиялар, хужайра ва регенератив тиббиёт соҳаларидаги илғор ютуқлардан фойдаланган ҳолда илмий-амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш;

институт клиникалари ва унинг филиалларида аҳолига стоматология соҳасида юқори малакали даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатган ҳолда стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илғор усулларини татбиқ этиш;

республиканинг олий тиббиёт таълими тизимида стоматология соҳаси бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда замонавий таълим технологиялари асосида ахборот ва мультимедия усулларидан фойдаланган ҳолда илғор хорижий тажрибани жорий этиш;

стоматология соҳасидаги тиббиёт мутахассислари ва ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент давлат стоматология институтини ҳузуридаги Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази:

тиш ва оғиз бўшлиғи касалликларини даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, илғор стоматология технологияларини, шу жумладан, юз-жағ соҳасидаги тўқималар ва органларни тиклаш чоғида остеопластика, биологик ва сунъий материалларни қўлланиш каби технологияларни жорий этиш юзасидан чуқур илмий изланишларни олиб бориш бўйича институтнинг асосий тадқиқот бўлими ҳисобланади;

халқаро стандартларга мувофиқ стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илмий-методологик базаси такомиллаштирилишини таъминлайди ва шунга асосланиб, стоматология соҳасида давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқади, шунингдек, стоматолог-врачларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланади.

4. Тошкент давлат стоматология институтининг бошқарув ходимлари чекланган сони 35 кишидан иборат ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Институт ректорига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда институтнинг ташкилий тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида, зарурат бўлганда, ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилансинки, 2014 йилда Тошкент тиббиёт академиясига ҳамда стоматология йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича республиканинг бошқа олий тиббиёт таълим муассасаларига ҳужжатларини топширган ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014/2015 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2014 йил 26 июндаги ПҚ-2193-сонли қарори билан тасдиқланган қабул квоталарига мувофиқ Тошкент давлат стоматология институтини ҳамда унинг филиалларининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларига қабул қилинади.

6. Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун 2-иловага мувофиқ таркибда махсус комиссия тuzилсин.

Махсус комиссия (Р.С.Азимов) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин, устав ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, институтнинг ўқув йили бошидан тўлақонли фаолият юритишни таъминлаш борасидаги бошқа ташкилий масалаларни ҳал этсин;

Тошкент давлат тиббиёт академияси ва бошқа олий тиббиёт таълими муассасаларининг тугатилган стоматология факультетларининг раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказишни ҳамда Тошкент давлат стоматология институтини ва унинг филиалларини стоматология соҳасида амалий иш тажрибасига эга, ўқитиш ва илмий-амалий тадқиқотлар ўтказишнинг замонавий усулларини фаол қўллайдиган юқори малакали ташаббускор кадрлар билан таъминласин;

замонавий таълим технологиялари, энг янги ахборот ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналарини жорий этиш ва улардан кенг фойдаланиш асосида ўқув режалари ва дастурларини янгиланган ҳолда стоматология бўйича ўқув жараёнини ташкил этишни танқидий таҳлил қилсин ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олиб қайта кўриб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент давлат стоматология институтини учун 2014/2015 ўқув йилининг бошланишига такомиллаштирилган давлат таълим стандартларига қатъиян мос келадиган, стоматологияни ривожлантиришнинг замонавий талабларига жавоб берадиган янги ўқув режалар ва дастурлар ишлаб чиқирилишини таъминласин; бир ой муддатда Стоматология ва юз-жағ хирургияси илмий-амалий марказини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда машҳур мутахассис ва олимларни институтда ишлашга ва дарс беришга жалб қилиш, стажировкаларни ташкил этиш ва мутахассисларни тайёрлаш, биргаликда ўқув ва тадқиқот дастурларини амалга ошириш мақсадида Тошкент давлат стоматология институтини учун хорижий мамлакатларнинг илғор ихтисослаштирилган университет ва институтларидан техник ҳамкор белгилаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Тошкент давлат стоматология институтини фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин, унда:

Тошкент давлат стоматология институтини вақтинча Тошкент тиббиёт академиясининг Тошкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 103-уйда жойлашган 3-сонли клиникаси ҳудудида жойлаштириш;

2015 йилдан институтнинг янги бинолари мажмуи, жумладан, ётоқхона, унинг филиаллари қурилишини бошлаш учун молиялаш манбалари, жумладан, грантлар, имтиёзли хорижий кредитлар ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни белгиланган ҳолда жорий йилнинг охиригача зарур лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни назарда тутсин.

9. Тошкент давлат стоматология институтини ва унинг филиалларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхат бўйича олиб қилинадиган стоматологик асбоб-ускуналар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, бошқа махсус асбоб-ускуна ва инвентарлар учун 2020 йилнинг 1 январигача бож тўловлари (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун йиғиладиган йиғимлар бундан мустасно) тўлашдан озод қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига 2014 йилда ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети параметрларида Тошкент давлат стоматология институтини ва унинг филиалларида қурилиш ишларини олиб бориш, моддий-техник таъминлаш, шунингдек, хорижий тилларда адабиётлар сотиб олиш, журнал ва бошқа вақтли нашрлар, жумладан, ахборот-кутубхона ресурсларига обуна бўлишга мақсадли маблағлар, жумладан, зарур капитал қўйилмалар лимитлари ажратилишни кўзда тутилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икромов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифим давомида Тошкентда кўрсатилган иззат-иқром учун Латвия Республикаси делегацияси ва шахсан ўз номимдан Сизга миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Мен Сиз билан яна учрашганимдан ва давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш тўғрисидаги музокараларни давом эттирганимиздан астойдил мамнун бўлдим. Ишончим комилки, мазкур ташриф ва Сиз Жаноби Олийларининг ўтган йил октябрий ойида Латвияга расмий ташрифингиз турли соҳалардаги Латвия — Ўзбекистон ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришда муҳим омил бўлди. Мамлакатларимиз тадбиркорларининг ўзаро иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этадиган саёй-ҳаракатларидан ҳамда таълим соҳасидаги ҳамкорлик самаралари ривожланиб бораётганидан фойда мамнун бўлганимни алоҳида таъкидламоқчиман.

Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётига, шунингдек, умумий хавфсизлик ва барқарорлик қафоллари мустаҳкамлашига таъсири тобора ортиб бораётгани билан музокараларда минтақа истиқболига алоҳида эътибор қаратганимиздан хурсандман. Мен транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб боришига ишонаман, бу манфаатли ва минтақалараро салмоқли лойиҳаларда ўз ифодасини топади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган фойта юксак ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Андрис БЕРЗИНЬШ,
Латвия Республикаси Президенти**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2014 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан жорий йил 17 январда бўлиб ўтган мамлакатимиз ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларини амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиётимиз тармоқ ва соҳаларини ўрта муддатли ривожлантириш дастурларини давом эттириш шу йилнинг биринчи ярмида асосий макроеқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини янада мувозанатли ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратиш имконини берди.

1. Иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегияни давом эттириш, бунинг учун мавжуд захира ва имкониятларни жалб этиш

Жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда таваккалчилик ва зиддиятлар кучайиб бораётганига қарамадан, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш бўйича қабул қилинган стратегияни изчил ва мақсадли амалга ошириш, шу мақсадда мавжуд захира ва имкониятларни жалб этиш жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулотни 8,1 фоиз ошириш имконини берди. Иқтисодиётнинг мустаҳкам ўсиш суръатлари инфляция даражаси пастлигини, давлат бюджети профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизни ва мамлакат ташқи савдо айланмасининг 482,1 миллион долларлик ижобий сальдосини ифода этадиган макроеқтисодий барқарорлик билан таъминланди.

Ички талабни рағбатлантириш ва рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш ва уларнинг молиявий барқарорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирларнинг ижроси натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,1 фоиз, истеъмол товарлари 10,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,9 фоиз, чакана савдо айланмаси 13,7 фоиз ва хизмат кўрсатиш ҳажми 14,2 фоизга ошди.

Юқори технологияли ва замонавий объектлар ҳамда қувватларни ишга туширишни жadalлаштириш, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгиллаш, шунингдек, хусусий инвестицияларни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини кенгайтириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини 10,8 фоиз ва қурилиш ишларини 17,4 фоизга оширишни таъминлади.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишга қаратилган ҳудудий семинар бўлиб ўтди.

● Термиз шаҳрида тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим

масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва вилоят солиқ бошқармаси вакиллари, тадбиркор ва фермерлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фон-

ди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Наманган вилояти ҳокимлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини Наманган вилояти ҳудудий бўлими ҳамкорлигида Наманганда ҳудудларда ижтимоий шериклини юксалтириш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни тайёрлаш, грант маблағларининг мақсадли ишлатилишини таъминлашнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.



● Жорий йилнинг июнь ойида об-ҳаво-ни кузатиб бориш йўлга қўйилганидан

буён курраи заминда энг иссиқ ҳарорат қайд этилди. Метеорологларнинг билдиришларича, янги рекорд 61,2 даражага тенг бўлди. Бу 2010 йилдаги кўрсаткичдан 1,20 даража юқоридир.

● Туркиянинг Диёбрак-Лиджа трасса-сида ёнилғи материалларини элтиб бораётган бензин ташувчи машинанинг ағдарлиб кетиши натижасида кучли портлаш рўй берди. Ушбу бахтсиз ҳодиса натижасида камида саксон киши жабрланди. Ҳалокат жойига зудлик билан тез ёрдам ва ўт ўчириш машиналари етиб келиб, жароҳатланганлар касалхоналарга ётқизилди.



Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук инсон бўлиб камол топишига эътибор қаратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

СОҒЛОМ ТУРМУШ САРИ ҚАДАМ

Шаҳримиз мактабларида ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида турли спорт мусобақалари, оромгоҳлараро спартакиадалар ўтказилмоқда.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 29-умумтаълим мактабида ташкил қилинган «Юлдузча» болалар соғломлаштириш оромгоҳида Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Соғлом турмуш сари олға болажон» мавзусида қувноқ шартлар мусобақаси ўтказилди.

— Шаҳарча «Камолот» ЁИХ Етакчилар Кенгаши «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида болажонларнинг

жисмонан баркамоллигини янада ривожлантириш мақсадида «Спорт — соғлиқ гарови» шиори остида мини-футбол, қувноқ шартлар эстафетаси, шахмат-шашка мусобақалари ўтказилмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси етакчилар Кенгаши раиси ўринбосари Нодирбек Ишчанов. — Ўйлаймизки, ўтказилаётган бу каби тадбирлар ўқувчи ёшларнинг ёзги таътил вақтини мароқли ва файзли ўтказишига хизмат қилади.

Қизгин баҳсларга бой бўлган мусобақа сўнггида фаол иштирок этган бир гуруҳ болажонлар «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА

«Ёз — 2014»

САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ёз фасли серкўёш ва оромбахш кунлари билан барчага хуш кайфият улашади. Айтиш жоизки, бу фаслни катталардан кўра азиз болажонлар орзиқиб кутишади. Сабаби эса улар сўлим оромгоҳ бағрида ҳордиқ чиқариш имконига эга бўлишади.

Шаҳримиздаги мактаблар қошида очилган ёзги оромгоҳларда болажонлар ўртасида спортни янада кенг тарғиб қилиш ва оммавийлаштириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Бектемир туманидаги 290-мактаб қошида ташкил этилган оромгоҳ тарбияланувчилари ўртасида «Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳаси доирасида «Қувноқ шартлар» спорт мусо-

бақаси ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди. «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақага спорт-соғломлаштириш оромгоҳининг 40 нафар тарбияланувчилари жалб этилди.

Мусобақада болалар спортнинг турли йўналишларида ўзаро беллашишди. Албатта, бундай тадбирлар ўсиб келаётган авлод саломатлигини мустаҳкамлайди.

Зарина РУСТАМОВА

ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ



Бугунги кунда ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун юртимизнинг барча ҳудудларида кенг имкониятлар яратилмоқда. Айни пайтда спорт билан шуғулланган ёшларимиз ўзига хос ютуқларни қўлга киритаётгани қувонарли.

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, туман Маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан А.Югнакий номидаги 31-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Соғломжон ва полвонжон» деб номланган маънавий-маърифий спорт тадбири ўтказилди.

Мазкур фестивалда ҳаваскор ва профессионал спортчилар спорт-

нинг бокс, кураш, белбоғли кураш, самбо, дзю-до ва велоспорт турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

Дарҳақиқат, ўсиб келаётган ёш авлод спорт билан мунтазам шуғулланиб турса нафақат соғлом турмуш кечиради, балки соғлом фикрга ҳам эга бўлади.

— Спорт фестивалида иштирок этиб 1-даража-

ли дипломга сазовор бўлганимдан хурсандман. Бунинг учун менга қилич-бозлик спорт турининг барча сирларини ўргатган устозларимга ўз миннатдорчилигимни билдираман, — дейди Мафтуна Илёсова. — Тенгдошларимга спортнинг ис-талган тури билан шуғулланиб туришларини тавсия этаман.

Тадбир сўнггида иштирокчиларнинг қалбига хуш кайфият улашиш учун ёш хонандалар томонидан куй ва қўшиқлар янграб, ғолиб бўлган спортчилар ҳамкор ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирландилар.

Зафар НАЗАРОВ
Ислом Исмоилов
олган сурат

Тиббиётда қайд этилган мингларча хасталиклар орасида ўт пуфагидаги тош касаллиги ҳам мавжуд бўлиб, нохуш оғриғи билан ажралиб туради. Шифокорлар айтиш вақтидаги ҳолати, шунингдек, ўт пуфагидаги тошнинг йириклигини инobatта олиб, жарроҳлик амалиёти билан беморни даволаш лозимлигини таъкидлашлари мумкин. Бир қатор сафротошига мубтало бўлганлар жарроҳлик амалиётига розилик бермайдилар.

Мутахассис маслаҳати

ЎТДАГИ ТОШДАН ҚАНДАЙ ХОЛИ БЎЛИШ МУМКИН

Ўт пуфагида мавжуд бўлувчи кичик тошларни синалган халқ табobati воситалари билан нуратиш, унинг асоратидан холи этиш ҳам мумкин.

Таниқли америкалик олим Н. Вокернинг «Сархил сабзавот шарбатлари» номли китобида ўт пуфаги ва жигарда мавжуд бўлувчи тошлардан холи бўлишнинг ҳаётда синалган ва ўрганилган тадбири — амалларни баён этади.

Тарихий воқеа, машҳур шифокорга АҚШ, Канада ва Англияда бир қанча савдо дўконлари бўлган миллионер ўз дарди «ўт пуфагида тоши бўлиши» дардида шифо излаб, мурожаат қилади. Бу киши йигирма йил бадалида ўт пуфаги соҳасида оғриқ-

дан азоб чеккан. Ўнларча билимдон шифокорлар савдогарнинг ўт пуфагида жуда кўп йирик тошлар мавжудлигини қайта-қайта таъкидлашган. Савдогар жарроҳлик амалиётидан хавфсираб, шифокорларнинг тавсияларини инкор этган.

Н. Вокер ва унинг шогирдлари ўз даволаш режалари билан бу беморни даволай бошладилар. Бир неча бор беморнинг ошқозонини тозалашиб, ҳуққа қилиб, ични бўшатишди. Бир ҳафта давомида беморни оч юришга ундашди. Бемор даволаш амалиётида бир кунда ўн-ўн икки стакан иссиқ сув ичади, ҳар бир стаканга бир дона лимон шарбати солинган бўлади. Бундан ташқари, бемор

477,76 граммдан кунига 3 маҳал сабзи шарбати, демак, 16 унция сабзи суви, лавлага ва бодринг 89,58 граммдан истеъмол қилади.

Очликнинг иккинчи кунини бемор бир неча бор 10-15 дақиқали спазмани бошидан ўтказди. Ҳаф-танинг охирида «кризис» рўй берди, бемор ярим соат давомида гилам узра гужанак бўлиб, изтиробда думалади. Шундан кейин мўъжиза рўй берди: барча изтиробли оғриқлар йўқолди, қисқа вақт ўтмай беморнинг пешоби орқали кум-лойқа кўринишида тузлар ажралиб чиқди. Организмнинг ажратмаси бўлмиш ўт ва буйракдаги тош аввалига яшил, кўнғир тусли бўлиб суюқлик устида сузиб юради, кейинчалик, пешоб тинганидан сўнг, тош-қумлар идиш тагига чўқади.

Муолажа поёнига етгач, беморнинг кайфияти ниҳоятда зиёда бўлди, даст ўрнидан туриб режадаги ишларига қадам қўйди, у эртасигаёқ, автоуловда Нью-Йорк, Вашингтон ва Канадага узоқ сафарга йўл олди.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим

Спорт янгиликлари

ТАРКИБ САРАЛАНДИ

Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчилари ўзининг навбатдаги ўқув-машғулот йиғинини бошлади.

Бош мураббий мазкур йиғинга жами 26 нафар футболчини қаҳирган. Таъкидлаш жоиз, Қосимов ушбу йиғинда 1991, 1992 ва ундан кейинги йилларда туғилган футболчилардан иборат таркибни синовдан ўтказди.

Футболчилар орасидан шу йилнинг сентябрь-октябрь ойида Корейнинг Инчон шаҳрида шарт оладиган Осиё ўйинларининг футбол мусобақасида иштирок этадиган таркиб сараланади. Эслатиб ўтамиз, Осиё ўйинларида 23 ёшгача бўлган футболчилар иштирок этиши белгиланган.

Мазкур йиғин давомида терма жамоа аъзолари тўртта назорат учрашувида майдонга тушиши режалаштирилган.

БИРИНЧИ РАҚАМЛИ ТЕННИСЧИ

Мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин АҚШнинг Атланта шаҳрида шарт оладиган турнирнинг асосий тўрида иштирок этади.

Мусобақада олтинчи рақам остида ҳаракат қиладиган ҳамюртимиз илк даврада саралаш баҳслар ғолиби билан тўқнаш келади. Эслатиб ўтамиз Атланта турнирида ғолиб бўлган спортчи 250 рейтинг очкосини қўлга киритади.

ВЕЛОПОЙГА ПЕШҚАДАМЛАРИ

«Тур де Франс» кўпкунлик велопойгасининг 15-босқичида спортчилар 222 километр масофада ўз имкониятларини синовдан ўтказишди.

Яқунда «Катюша» жамоси аъзоси Александр Кристофга тенг келадиган рақиблар топилмади. Иккинчи, учинчи ўринлар австриялик Хайнрих Хауслер ҳамда словакиялик Петер Саганларга насиб этди. Умумий ҳисобда ҳамон италиялик спортчи Винченцо Нибали пешқадамлик қилмоқда.

Муҳаммаджон БОЗОРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Сергели саноат касб-хунара коллежи ошхонаси буфетини ижарага бериш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Сергели тумани, Сергели-2 мавзеси, Лутфкор кўчаси, 64А-уй.

Телефон: 257-74-16.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси,

32-уй, 2-қават, 225-хона.



ража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 24 ва 25 июль

Тошкент шаҳрида эрталаб Тошкент 24 июль кунини ҳаво бир шаҳри об-ҳаво шароити оз ўзгариб туради, ёғин-зарарли моддаларнинг дан секундида 5-10 метр сақланиб қолишига им-тезликда шамол эсади. коният яратади. Ифлос-Харорат кечаси — 21-ланиш тағмиқдори наст 23, кундузи — 33-35 да- бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, chorshanba, лайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6568 нускада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Толпириш вақти: 13.00

Босишга толпирилди: 14.00